

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ЎУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

ДУСТМУРОДОВА ШАҲЛО ЖУМАНАЗАРОВНА

БОШОҚЛИ ВА ДУККАКЛИ ЎСИМЛИКЛАР АСОСИДА
ОЛИНАДИГАН НУТРИЦЕВТИКА ВОСИТАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

15.00.01 - дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Дустмуродова Шахло Жуманазаровна

Бошоқли ва дуккакли ўсимликлар асосида олинадиган нутрицевтика воситаси технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Дустмуродова Шахло Жуманазаровна

Разработка технологии нутрицевтического средства на основе бобовых и зернобобовых растений..... 21

Dustmurodova Shakhlo Zhumanazarovna

Development of technology for nutraceutical products based on legumes and grain legumes plants..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ЎУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

ДУСТМУРОДОВА ШАҲЛО ЖУМАНАЗАРОВНА

БОШОҚЛИ ВА ДУККАКЛИ ЎСИМЛИКЛАР АСОСИДА
ОЛИНАДИГАН НУТРИЦЕВТИКА ВОСИТАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

15.00.01 - дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Far94 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмуджанова Комила Султоновна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мақсудова Фируза Хуршидовна
фармацевтика фанлари доктори, доцент

Маматханова Мунирахон Ахматхон қизи
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «26» «сентябр» соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-ўй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz.)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (57 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-ўй. Тел.: (99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2024 йил «06» «сентябр» куни тарқатилди.
(2024 йил «06» «сентябр» даги 57 рақамли реестр баённомаси)



К.С.Ризаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг қарийиб 1/3 витамин ва минераллар етишмаслигидан азият чекмоқда ва бу ўз навбатида турли патологияларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун озиқ-овқат қўшимчаларини инсонларнинг овқатланиш рационига киритиш, организмда етишмаётган витамин ва минераллар ўрнини босувчи биологик фаол қўшимчалар (БФҚ) яратиш, уларни ишлаб чиқариш учун фармацевтика корхоналарига жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида инсонларнинг қувватсизлиги ва иммун тизимининг сустлигини даволаш ва олдини олиш учун юқори самарадорликка эга бўлган БФҚлар технологиясини ишлаб чиқиш, сифат ва миқдор меъёрларини белгилаш, безарарлиги ва самарадорлигини баҳолаш, тегишли меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш ва тасдиқлатиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, маҳаллий бошоқли ва дуккакли ўсимлик хомашёларини таркибидаги биологик фаол моддалар миқдорини максимал даражада сақлаб қолиш имконини берувчи ундириш технологияларини яратиш, олинган мажмуаларнинг кимёвий таркибини аниқлаш ва улар асосида турли шаклдаги БФҚларни таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизими, хусусан фармацевтика соҳасини жадал ривожлантириш, аҳолини зарурий дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар билан таъминлаш, маҳаллий фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ассортиментни кенгайтириш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 22 мақсадида «12 турдаги экстракт ва биологик фаол қўшимча тажриба намуналарини ишлаб чиқариш ва сертификатлаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, доривор ўсимликлар асосида замонавий сифат меъёрлари талабларига жавоб берадиган биологик фаол қўшимчалар оптимал таркибини танлаш ва технологик жараёни ишлаб чиқиш, маҳаллий фармацевтика корхоналарига татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сон «Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ-411-сон «Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация изланишларида қўлланилган бошоқли ва дуккакли ўсимликлар таркибидаги биофаол моддаларни ажратиб олиш, улардан БФҚлар яратиш, тиббиёт амалиётига татбиқ этиш бўйича К.С.Махмуджанова, А.С.Каримова, А.А.Махмудов, Ш.Ф.Искандарова, З.У.Маматқулов каби ўзбек олимларнинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутмоқда.

Дунё миқёсида биологик фаол қўшимчалар таркибидаги таъсир қилувчи биологик фаол моддаларни ўрганиш, уларни тўғри истеъмол қилиш бўйича тавсиялар бериш, илмий асосланган истеъмол шаклини танлаш борасида қуйидаги олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган: M.W.Adams, S.A.Angioi, Ali Эsmail Al-Snafi, Manasi Khadanga, Nityananda Sahoo, Sangram Keshari Panda, Haragouri Mishra, Aswini Kumar, Dianzhi Hou, Laraib Yousa, Yong Xue, Jinrong Hu, Jihong Wu, Xiaosong Hu, Naihong Feng and Qun Shen, Т.Л.Пилат, И.Т.Васильченко, Г.Р.Пакровский, С.Н. Башкирова, Р.В. Дудкин, А.И. Зиновьев.

Ушбу диссертация ишида бошоқли ва дуккакли ўсимлик донларини махсус усулда ундириш, ушбу жараёнига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, таркибини кимёвий таҳлил қилиш, олинган мажмуа асосида турли шаклдаги БФҚ технологиясини ишлаб чиқиш ва сифат назоратини олиб бориш, фармакологик хоссаларини, хавфсизлигини, самарадорлигини ўрганиш, сақлаш муддатларини аниқлаш ва сақлаш шароитини белгилаш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Маҳаллий доривор ўсимликлар асосида дори воситаларини, озуқага биологик фаол қўшимчалар таркиби ва уларнинг ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» мавзусида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Махсус усулда буғдой, арпа, мош ва ловия донлари ундирилиб, улар асосида гранула ва капсула шаклида биологик фаол қўшимчалар технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

буғдой, арпа, мош ва ловия донларини махсус усулда ундириш жараёнига таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида уларнинг технологиясини ишлаб чиқиш;

ундириб олинган бошоқли ва дуккакли дон маҳсулотлари таркибидаги биологик фаол моддаларнинг кимёвий таркибини аниқлаш;

ундирилган донлар асосида тайёрланган гранула ва капсула массаларининг технологик хоссаларини аниқлаш асосида БФҚ таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш;

гранула ва капсулаларнинг сифатини баҳолаш усулларини таклиф этиш;

ундирилган донлар асосида олинган гранула ва капсулаларнинг сақланиш шароитини аниқлаш ва сақлаш муддатларини белгилаш;

ундирилган донлар асосида олинган БФҚларнинг безарарлигини аниқлаш ҳамда самарадорлигини баҳолаш натижасида олинган маълумотлар асосида меъёрий ҳужжатларни (технологик йўриқнома ва техник шартлар) тузиш ва тасдиқлатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошоқли буғдой- (*Triticum aestivum* L.), арпа – (*Hordeum vulgare* L.) ва дуккакли мош - (*Vigna radiata* L.), ловия (*Phaseolus vulgaris* L.) ўсимлик донлари, ундирилган донлар асосидаги гранула ва капсула олинган.

Тадқиқотнинг предмети бошоқли ва дуккакли ўсимлик донларини ундиришнинг махсус усулини яратиш, гранула ва капсула шаклидаги БФҚлар таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш, сифатини баҳолаш, яроқлилиқ муддатини белгилаш ва тегишли меъёрий-техник ҳужжатларни тайёрлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажаришда замонавий технологик, физикавий, физик–кимёвий (титриметрия, юқори самарали суюқлик хроматографияси, масс-спектрометрия), биофармацевтик, фармакологик усуллардан ва замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор буғдой, арпа, мош ва ловия донларни униш жараёнига хона ҳарорати, хона ҳавосининг намлиги, ёруғлик, қатлам қалинлиги, пуркаладиган кундалиқ сув миқдори каби таъсир этувчи омиллар аниқланган ҳамда бошоқли ва дуккакли донларни ундиришнинг илмий асосланган технологияси ишлаб чиқилган;

ундирилган буғдой, арпа, мош, ловия дон массалари таркибидаги аминокислоталар, витаминлар, макро ва микроэлементлар миқдори замонавий таҳлил усуллари ёрдамида аниқланган;

илк бор ундирилган бошоқли (буғдой, арпа) ва дуккакли (мош, ловия) донлари мажмуаси асосида гранула ва капсула шаклидаги БФҚнинг илмий асосланган таркиби танланган ва технологияси ишлаб чиқилган;

бошоқли ва дуккакли ўсимлик донлари асосида олинган гранула ва капсула шаклидаги БФҚларнинг сифатини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган ва меъёрлари белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«Дармонал гуруҳи» гранула ва капсула шаклидаги БФҚларнинг захарсизлилиги, кумулятив, китикловчи ва аллергия чақириш хоссалари

мавжуд эмаслиги ҳамда самарадорлиги исботланган;

гранула ва капсула шаклидаги БФҚларнинг сақлаш шароитлари табиий сақланиш шароитида аниқланиб, сифат ва миқдор кўрсаткичларнинг доимийлигига асосланган ҳолда, яроқлилиқ муддатлари белгиланган;

«Дармонал гуруҳи» гранула ва капсула шаклидаги биологик фаол қўшимчалар учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий технологик, физик, физик – кимёвий ва статистик усуллардан фойдаланганлиги ҳамда уларни sanoat шароитида синовдан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий бошоқли (буғдой, арпа) ва дуккакли (мош, ловия) ўсимлиқ донларини махсус усулларда етиштириш технологияси яратилганлиги, улар асосида гранула ва капсула шаклидаги БФҚларнинг муайян таркиби ва технологияси ишлаб чиқилганлиги, меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ сифат ва миқдор кўрсаткичлари белгиланганлиги, барқарорлиги таъминланганлиги ҳамда безарарлиги ва самарадорлиги исботлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумқувватловчи, иммун тизимини рағбатлантирувчи, ошқозон-ичак ҳамда жигар фаолиятини яхшиловчи БФҚга Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институтида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Ушбу БФҚ ишлаб чиқарилиши импорт миқдорини камайтириб, маҳаллий озукага қўшимчаларнинг хилма-хиллигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошоқли ва дуккакли ўсимлиқлар асосида олинган нутрицевтика воситаси технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Дармонал» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 018979371-006:2021) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 018979371-006:2022) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада, умумқувватловчи, иммунитетни оширувчи капсула ва гранула шаклидаги нутрицевтик воситани ишлаб чиқариш имконини берган;

ўтказилган токсикологик синовлар натижасида «Дармонал» БФҚлар заҳарли эмаслиги (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармасининг санитария-эпидемиология назорати бошқармасининг 2022 йил 24 августдаги хулосаси) ҳамда самарадорлиги исботланиб, (ЎзР ССВ санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтининг 2022 йил 28 декабрдаги хулосаси) ишлаб чиқарилишга жорий этилган (ЎзР ССВ 001577-сон рухсатномаси). Натижада, зарарсиз ва ишончли фаолликка эга нутрицевтика воситасини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослангани, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлангани, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинганлиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нутрицевтика – фармацевтиканинг янги тармоғи**» деб номланган биринчи бобида ўсимликларни халқ табobatiда ва анъанавий тиббиётда ишлатилиши, улардан олинган воситаларнинг синтетик воситаларга нисбатан афзаллиги, биологик фаол қўшимчалар тушунчаси, уларнинг тарихи ва бугунги кундаги ҳолати, инсон саломатлигини сақлашда ва тиклашда муҳим аҳамияти кўрсатилган. Шу билан бирга порошок ва капсулаларнинг афзалликлари, замонавий фармацевтика саноатида тутган ўрни, бугунги кунда капсула шаклида ишлаб чиқарилаётган воситалар бўйича олиб борилаётган изланишлар ҳақида адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот учун фойдаланилган материаллар ва таҳлил усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар учун танланган хомашёлар, тиббиётда қўлланилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу хомашёдан гранула ва капсула шаклидаги нутрицевтика воситасини ишлаб чиқаришда қўлланилган ёрдамчи моддалар тавсифи, технологик ва физик-кимёвий усуллар ҳамда гранула ва капсулаларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуллари баён қилинган.

Диссертациянинг «**Бошоқли ва дуккакли ўсимлик донларидан биологик фаол қўшимча олиш учун ундириш технологиясини ишлаб чиқиш ва кимёвий таркибини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида объект сифатида танлаб олинган бошоқли (буғдой ва арпа) ва дуккакли (мош ва ловия) ўсимлик донларини ундириш жараёнига таъсир этувчи омиллар ўрганилди. Бунда ундириш жараёнида хона ҳарорати 25⁰С дан юқори бўлганда ундириш учун қуйилган дон маҳсулотлари тез қуриб қолиши ва

униш жараёни давом этмаслиги кузатилди. Аксинча хона ҳароратининг 16-18⁰ С да олиб борилганда униш жараёнининг секинлашишига ва вақтнинг кўп сарфланишига олиб келди. Бунга биноан ундириш жараёнини хона ҳароратини 20-22⁰С да олиб бориш белгиланди. Кейинги ундириш жараёнига таъсир этувчи омил бу хона ҳавосининг намлиги ҳисобланади. Хона ҳавосининг намлигининг юқори бўлиши эса ундиришга қўйилган ўсимлик донларида моғор замбуруғ излари ҳосил бўлишига олиб келди. Намликнинг камайтирилиши ундириш жараёнида сепиладиган сувнинг кўп сарфланишига сабаб бўлди. Шу муносабат билан буғдой, арпа, мош, ловия донларини ундириш жараёни олиб бориладиган хона ҳавосининг намлиги 40-42% деб белгиланди. Маълумки, донларни ундиришда ҳар куни маълум вақт оралиғида уларга сув пуркаб турилиши зарур. Шунинг учун пуркаш учун сарфланадиган сувнинг миқдорини аниқлаш муҳим бўлиб ҳисобланади. Бунда пуркаш учун кунлик сув миқдорининг кўп ёки камлиги ундирилаётган донларнинг ўсиш жараёнининг секин ёки тез кечишига олиб келди. Пуркаладиган сув миқдорини ҳар 20см² майдондаги донларга 1-гуруҳга 5-8 мл дан сув пуркалди, 2-гуруҳга 10-15мл ва 3- гуруҳга 20-30мл дан ҳар куни 3 маҳал сув пуркалди. 1-гуруҳда пуркалган сув миқдорида ўсимталар ўсиши секинлашиб қуриб қолди. 3-гуруҳда пуркаладиган сув миқдори кўп бўлганлиги сабабли моғор замбуруғ излари кузатилди. Шунинг учун пуркаладиган сув миқдорини ҳар 20см² майдондаги донларга ҳар куни 3 маҳалдан 10-15 мл сув пуркаш белгиланди.

Ундириш жараёнига хонадаги ёруғликнинг таъсири натижасида ундирилаётган дон ўсимталарида фотосинтез жараёни кечиши ва ўсимта учлари яшил тусга кириши кузатилди. Шунинг учун донларни ундириш жараёнини салқин ва қоронғу хонада назорат асосида олиб бориш лозимлиги аниқланди.


Шундай қилиб, буғдой, арпа, мош, ловия донларини ундириш учун қайси фасл ва қайси ҳудудда ундирилишидан қатъий назар қуйидаги шароитда олиб бориш белгиланди:

- Хона ҳавосининг намлиги - 40-42%;
- Ёйилган донлар қалинлиги - 0,5 см;
- Пуркаладиган бир марталик сув миқдори - 10-15мл;
- Ёйилган дон майдонининг ҳар 20см² га кунига 3 мартадан сув пуркалиши;
- Салқин ва хона ҳарорати - 20⁰-22⁰ С да қоронғу хонада.


Кейинги тадқиқотларда буғдой, арпа, мош, ловия донларини ундириш жараёнини яқунлаш кунини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилди. Бунинг учун юқорида келтирилган шароитда ундирилган бошоқли ва дуккакли ўсимлик донлари ўсимтасининг баландлигини ҳар куни ммларда ўлчанди ва олинган натижалар қуйидаги 1-2 расмларда келтирилган.

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, буғдой дони ўсимтасининг баландлиги 10-куни 8 мм, арпа дони ўсимтасининг баландлиги 10 – куни 17 мм бўлди. 11-кундан бошлаб, ўсимта учларида яшил ранг пайдо

бўлгани кузатилди. 2-расмда мош ва ловия ўсимталарини ўсиши кузатилганида, 6-куни мош ўсимтасининг баландлиги 26 мм ва ловияники эса 40 мм эканлиги аниқланди. Кейинги кундан ўсимталар учида яшил ранг пайдо бўлганлиги кузатилди.



1-расм. Бугдой ва арпа донлари ўсимтасининг баландлиги



2-расм. Мош ва ловия донлари ўсимтасининг баландлиги


Бошоқли ўсимлик донларига нисбатан дуккакли ўсимлик донлари тез фурсатда униб чиқди. Бунда, дуккакли дон маҳсулотларини қоронғу хонада ивитиш учун қолдирилганида, уларда ниш пайдо бўлиб, униш жараёни бошлангани кузатилди. Ушбу олинган маълумотларга биноан, унган бугдой, арпа донларини 10-куни, мош, ловия донларини эса 6-куни йиғиб олиш кераклиги аниқланди. Ундирилаётган дон ўсимталарини баландлиги ва рангига асосланиб йиғиб олиш куни белгиланганига қарамасдан, ферментларнинг фаоллигини билвосита миқдоран аниқлаш олиб борилди. Сахараза ферменти ундириш жараёнида дон таркибидаги углеводларни парчаланишида фаол иштирок этади ва углеводларни глюкозага парчалайди. Ҳар куни ҳосил бўлган глюкоза миқдорини йодаметриқ титрлаш усулида аниқлаш олиб борилди. Олинган тажриба натижаларига биноан, ундирилган донларни баландлигини ўлчаш асосида белгиланган йиғиш куни билан энг кўп миқдорда глюкоза ҳосил бўлган кун мос тушганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, биринчи марта бугдой, арпа, мош ва ловия донларини ундириш жараёнига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва ўсимталарни йиғиш кунини белгилаш билан ундириш жараёнининг илмий асосланган технологияси ишлаб чиқилди.

Кейинги тадқиқотларда ундирилган бугдой, арпа, мош, ловия таркибидаги фаол моддалар миқдори аниқланди. Инсон организми учун керак бўлган фаол модда сифатида аминокислоталар миқдори ЮССХ усулида аниқланди. Аниқланган натижаларга биноан, аспаргин кислота, треонин, триптофан, валин каби аминокислоталар бошқа ундирилган дон маҳсулотларидан кўра ловияда кўп миқдорда, мошда эса пролин, фенилаланин, лизин, глицин кўп миқдорда экани аниқланди. Бугдойда лизин, фенилаланин, метионин миқдори юқорилиги, ундирилган арпа донларида

цистеин, аргинин, метионин, лизин каби аминокислоталар кўп миқдорда эканлиги аниқланди. Кейинги тадқиқотларда ундирилган донларни тўрталасини бирлаштириб, таркибидаги фаол моддалар миқдори аниқланди. Мажмуа ҳолида бирлаштиришдан мақсад эса улардан тетиклаштирувчи, иммунитет кўтарувчи, ошқозон – ичак ва жигар фаолиятини яхшиловчи, қувват берувчи таъсирга эга безарар, самарадор ва хавфсиз нутрицевтика воситаси олишдан иборат бўлди. Ушбу мажмуани шартли равишда (Ундирилган донлар)- «Дармонал гуруҳи» деб номланди.

«Ундирилган донлар» мажмуаси таркибидаги аминокислоталар миқдори ҳам ЮССХ усулида аниқланди ва тадқиқот натижалари 1-жадвалда ва 3-расмда келтирилди.



3-расм. «Ундирилган донлар» мажмуаси таркибидаги аминокислоталар миқдори хроматограммаси

1-жадвал


«Ундирилган донлар» мажмуаси таркибидаги аминокислоталар миқдори

Аминокислоталар номи	Дастлабки натижалар Концентрация мг/гр	Аминокислоталар номи	Дастлабки натижалар Концентрация мг/гр
Аспарагин к-та	20,491	Пролин	70,883
Глутамин к-та	82,656	Тирозин	18,262
Серин	8,553	Валин	46,829
Глицин	42,169	Метионин	13,989
Аспарагин	24,592	Гистидин	27,33
Глутамин	46,411	Изолейцин	40,799
Цистеин	34,401	Лейцин	35,085
Треонин	32,845	Триптофан	12,254
Аргенин	11,922	Фенилаланин	17,811
Аланин	130,986	Лизин	68,148

1-жадвал натижаларига биноан олинган «Ундирилган донлар» мажмуаси таркибида 20 хил аминокислоталар мавжудлиги аниқланди.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида «Ундирилган донлар» мажмуаси таркибидаги сувда эрувчи витаминлар миқдори ЮССХ усулида аниқланди. Бунинг учун «Ундирилган донлар» мажмуасидан 5 г аниқ тортма олинб, ЮССХ усулда тажриба олиб борилди ва олинган тажриба натижалари хроматографик чўққилари (4 - расм) ва сувда эрувчи витаминлар миқдори 2-

жадвалда келтирилган.



4-расм. «Ундирилган донлар» мажмуаси таркибидаги витаминлар миқдори хроматограммаси

2-жадвал

«Ундирилган донлар» мажмуаси таркибидаги сувда эрувчи витаминлар миқдори

Витаминлар номи	Концентрацияси, мг/г
Витамин В ₁	0,057
Витамин В ₂	1,191
Витамин В ₆	0,912
Витамин РР	0,608
Витамин С	0,154

«Ундирилган донлар» мажмуаси таркибида В гуруҳ витаминлар, витамин С ва витамин РР мавжудлиги аниқланди. Бундай витамин сақловчи мажмуа инсон организмида витаминларга бўлган эҳтиёжини таъминлайди.

«Ундирилган донлар» мажмуаси таркибидаги макро ва микроэлементлар миқдори ион-масс спектрометрия усулида олиб борилди ва олинган натижалар 3-жадвалда келтирилди.

3-жадвал

«Ундирилган донлар» мажмуаси таркибидаги макро- ва микроэлементлар миқдори

№	Элемент	Ундирилган дон миқдори, мг/кг	№	Элемент	Ундирилган дон миқдори, мг/кг
1	Алюминий, Al	20,120	9	Марганец, Mn	3,595
2	Барий, Ba	0,865	10	Никель, Ni	0,796
3	Кальций, Ca	1346,193	11	Рубидий, Rb	0,329
4	Мис, Cu	1,455	12	Селен, Se	6,213
5	Темир, Fe	59,244	13	Стронций, Sr	1,776
6	Калий, K	1566,987	14	Таллий, Tl	0,651
7	Магний, Mg	323,316	15	Рух, Zn	5,663
8	Натрий, Na	111,794	16	Олтингургурт, S	1843,483

3-жадвалда келтирилган тажриба натижаларига биноан, «Ундирилган донлар» мажмуаси таркибидаги натрий, кальций, калий, темир, магний элементларининг миқдори бошқа элементларга нисбатан баланд.

Диссертациянинг «Биологик фаол қўшимча «Ундирилган донлардан» гранула ва капсула таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш, сифатини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида

ундирилган буғдой, арпа, мош, ловия донлари асосида олинган «Ундирилган донлар» мажмуасидан гранула ва капсула шаклидаги БФҚ таркибини танлаш ва уларнинг технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

«Ундирилган донлар» мажмуаси асосида 3-хил гранула таркиблари тайёрланди ва тайёрланган массаларнинг технологик хоссалари аниқланди.

4-жадвал

«Ундирилган донлар» асосида олинадиган гранула таркиблари

1-таркиб	2-таркиб	3-таркиб
Ундирилган буғдой - 750мг Ундирилган арпа - 750мг	Ундирилган буғдой-562,5 мг Ундирилган арпа - 562,5 мг Ундирилган ловия - 500мг	Ундирилган арпа – 500 мг Ундирилган буғдой-500 Ундирилган ловия -300 мг Ундирилган мош – 200 мг
М _{умумий} = 1500 мг	М _{умумий} = 1500 мг	М _{умумий} = 1500 мг

4-жадвалда келтирилган таркиблар бир биридан фарқланади. Ушбу таркиблар бўйича тайёрланган гранулаларнинг технологик хоссалари ўрганилди. (5-жадвал)

5-жадвал

«Ундирилган донлар» асосида тайёрланган гранулаларнинг технологик хоссалари


Ўрганилган кўрсаткичлар ва ўлчов бирлиги	1-таркиб	2-таркиб	3-таркиб
Ташқи кўриниши	оч сомон рангли ўзига хос ҳидли	оч сариқ рангдан сомон ранггача ўзига хос ҳидли	оч сомон рангдан қўнғир ранггача ўзига хос ҳидли
Сараланиш таркиби, мкм, %			
-1000+500	30,05	30,60	35,50
-500+250	31,85	38,40	34,32
-250	38,10	31,00	30,18
Сочилувчанлик 10 ⁻³ кг/с	6,1	6,5	6,9
Сочилувчан зичлиги кг/м ³	701	702	715
Қолдик намлик %	4,5	4,3	4,6

5-жадвалда келтирилган тажриба натижаларга биноан, 3-таркибнинг технологик хоссаларидан сочилувчанлиги ва сочилувчан зичлик кўрсаткичлари бошқа таркибларга нисбатан қониқарли эканлиги аниқланди. Бу таркиб бўйича тайёрланган гранула массасини қадоклашда ўртача оғирлигини турғун бўлиши таъминланади. 3 та таркиб бўйича тайёрланган «Ундирилган донлар» мажмуаси асосида тайёрланган гранулаларнинг фармакологик тадқиқотлари натижасида 3- таркиб таъсир самарадорлигини яхши намоён қилганлиги аниқланди. Шундай қилиб, «Ундирилган донлар» мажмуаси асосида тайёрланган гранулаларнинг таркиби қуйидагича бўлди:

Ундирилган арпа	500 мг
Ундирилган буғдой	500 мг
Ундирилган ловия	300 мг
Ундирилган мош	200 мг
Гранула таркибининг ўртача оғирлиги	1500 мг

Технологияси: гранула шаклида БФҚни тайёрлаш учун аниқ миқдорда

тортиб олинган ундирилган донлар аралаштирилиб, майдаланади. Сўнгра массани тозаланган сувни пуркаб намланди. Ҳосил бўлган нам массани тешикчаларнинг диаметри 3000 мкм бўлган элаклардан ўтказиб, хона ҳароратида қолдиқ намлик 5% қолгунча қуритилди. Қуритилган масса тешикчаларнинг диаметри 1000 мкм элаклардан ўтказилди. Олинган массани 1500 мг дан қоғоз пакетларга қадоқланди. «Ундирилган донлар» мажмуаси асосида тайёрланадиган гранула олиш технологияси 5-расмда келтирилган.



5-расм. «Ундирилган донлар» мажмуаси асосида тайёрланган гранула олиш технологик чизмаси

Кейинги босқичда тайёрланган гранулаларнинг сифат кўрсаткичлари ўрганилиб, тегишли меъёрлар белгиланди. Олинган натижалар 6-жадвалда келтирилган. Таҳлил қилинаётган гранула сифат кўрсаткичларини аниқлаш ЎзР ДФ I нашрида келтирилган «Гранулалар» умумий мақоласига асосан олиб борилди.

«Ундирилган донлар» мажмуаси асосида олинган гранулаларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

Аниқланадиган кўрсаткичлар	Аниқлаш усули	МҲ бўйича талаблар	Таҳлил натижалари
Ташқи кўриниши	органолептик	оч сомон рангдан - қўнғир ранггача бўлган аниқ шаклга эга бўлмаган, бироз ширин таъмли ва ўзига хос ҳидли	мос
Чинлиги	Сахараза ферментига кимёвий реакция	Фелинг I ва Фелинг II қўшиб қайнатилганда қизил чўкма ҳосил бўлиши	мос
	Витамин С кимёвий реакция	эритмага 0,015% натрий 2,6-дихлорфенолиндофенол қўшилганда унинг ранги йўқолиши	мос
	Витамин В ₆ кимёвий реакция	Эритмага бир неча томчи кумуш нитрат эритмаси солинса эритма пушти рангга буялиши	мос
Сараланиш таҳлили	ЎзР ДФ	-3000 мкм -200 мкм } 5 % дан ошмаслиги керак	1% 2%
Гранулалар ўртача оғирлиги ва ундан четланиш, г± %	ЎзР ДФ	1,5 г ±10,0%	1,55 г ±3,3%
Парчаланиши	ЎзР ДФ	ЎзР ДФ бўйича гранулалар 15 дақиқа ичида парчаланиши керак	7 дақ.
Микробиологик тозаллиги	ЎзР ДФ I - наشري	1 г препаратда аэроб бактерияларнинг умумий сони 10 ⁴ дан, замбуруғлар 10 ² дан, энтеробактериялар ва бошқа грамманфий бактериялар 10 ² дан ошмаслиги керак. 25 г препаратда Salmonella бўлмаслиги керак.	мос
Миқдорий таҳлили	ЮССХ усулида	В ₆ витамини	0,913

6-жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики «Ундирилган донлар» мажмуаси асосида олинган гранулаларнинг сифат кўрсаткичлари ЎзР ДФ талабларига жавоб бериши аниқланди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи капсула шаклидаги БФҚ таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш учун 4 хил таркибли «Ундирилган донлар» мажмуаси асосида капсула массаси тайёрланди (7-жадвал).

«Ундирилган донлар» мажмуаси асосида капсула массаларининг таркиби

Таркиблар	1-таркиб	2-таркиб	3-таркиб	4-таркиб
Ундирилган буғдой	95	100	100	150
Ундирилган арпа	150	95	150	150
Ундирилган мош	100	150	150	95
Ундирилган ловия	150	150	95	100
Краxмал	2,5	2,5	2,5	2,5
Кальций стеарат	2,5	2,5	2,5	2,5
Умумий оғирлик	500мг	500мг	500мг	500мг

7-жадвалда келтирилган капсула массаларини тайёрлашда ёрдамчи модда сифатида 5% ли краxмал клейстри ва кальций стеаратдан фойдаланилди. Бунда масса таркибидаги ёрдамчи моддалар микдорини камайтириш кўзда тутилди. Олинган капсула массаларининг технологик хоссалари аниқланди. (8-жадвал)

«Ундирилган донлар» мажмуаси асосида олинган капсула массасининг технологик хоссалари


Ўрганилган кўрсаткичлар ва ўлчов бирлиги	1-таркиб	2-таркиб	3-таркиб	4-таркиб
Ташқи кўриниши	оч сомон рангдан кўнғир ранггача ўзига хос ҳидли	оч сомон рангдан кўнғир ранггача ўзига хос ҳидли	оч сомон рангдан кўнғир ранггача ўзига хос ҳидли	оч сомон рангдан оч кўнғир ранггача ўзига хос ҳидли
Сараланиш таркиби, мкм, %				
-1000+500	70,00	64,0	59,0	79, 20
-500+310	25,00	30,0	34,0	14,20
-310	5,0	6,0	7,0	6,60
Сочилувчанлик 10 ⁻³ кг/с	5,6	5,5	6,0	6,8
Сочилувчан зичлиги кг/м ³	600,0	615,0	620,0	620,0
Қолдик намлик %	4,5	4,6	4,3	4,5

8-жадвалда келтирилган тажриба натижаларига биноан 4-таркибнинг технологик кўрсаткичлари 1-2-3- таркибларга нисбатан қониқарли бўлганлиги учун ушбу таркиб танлаб олинди.

«Ундирилган донлар» мажмуаси асосида олинадиган капсула массасининг таркиби қуйидагича бўлди:

Ундирилган арпа	150 мг
Ундирилган буғдой	150 мг
Ундирилган ловия	100 мг
Ундирилган мош	95 мг
Краxмал	2,5 мг
Кальций стеарат	2,5 мг
Капсула таркибининг ўртача оғирлиги	500 мг

Технологияси: капсула шаклида БФҚни тайёрлаш учун аниқ миқдорда тортиб олинган ундирилган донлар аралаштирилиб, сўнг нам дондорлаш усулини қўллаш мақсадида, ҳосил бўлган тайёр аралашмага 5% ли крахмал клейстри билан намланди. Ҳосил бўлган нам массани тешикчаларининг диаметри 3000 мкм ли элакдан ўтказилди. Олинган гранулалар патнисларга юпқа қилиб ёйилди ва хона ҳароратида қолдиқ намлик 5% қолгунча қуритилди. Қуритилган масса қуруқ дондорланди, яъни тешикчаларининг диаметри 1000 мкм ли элакдан ўтказилди. Олинган масса кальций стеарат ёрдамида упаланди. Ҳосил бўлган масса капсула тўлдирувчи капсулятор ускунаси ёрдамида №00 рақамли капсулаларга солинди. «Ундирилган донлар» капсуласини олиниш технологияси 6-расмда келтирилган.



6-расм. «Ундирилган донлар» мажмуаси асосида олинадиган капсула технологик чизмаси

Тадқиқотнинг кейинги босқичида тайёрланган капсулаларнинг сифат кўрсаткичлари ўрганилиб, тегишли меъёрлар белгиланди. Олинган натижалар 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

«Ундирилган донлар» мажмуаси асосида олинган капсулаларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

Аниқланадиган кўрсаткичлар	Аниқлаш усули	МҲ бўйича талаблар	Таҳлил натижалари
Ташқи кўриниши	органолептик	оч сомон рангдан - қўнғир ранггача бўлган аниқ шаклга эга бўлмаган, бироз ширин таъмли ва ўзига хос ҳидли	мос
Чинлиги	Сахаразага кимёвий реакция	Фелинг I ва I мл Фелинг II қўшиб қайнатилганда қизил чўкма ҳосил бўлиши	мос
	Витамин С кимёвий реакция	эритмага 0,015% натрий 2,6-дихлорфенолиндофенол қўшилганда унинг ранги йўқолиши	мос
	Витамин В ₆ кимёвий реакция	Эритмага бир неча томчи кумуш нитрат этирмаси солинса эритма пушти рангга буялиши	мос
Капсуланинг ўртача оғирлиги ва ундан четланиш, г± %	ЎЗР ДФ 2.9.5.	0,625 г (±10,0%)	0,620 г ±0,8%
Капсула массанинг ўртача оғирлиги ва ундан четланиш, г± %	ЎЗР ДФ 2.9.5.	0,5 г (±10,0%)	0,512 г ±2,4%
Парчаланиши	ЎЗР ДФ 2.9.1.	ЎЗРес ДФ бўйича капсулалар 20 дақиқа ичида парчаланиши керак	13 дақ. 30 сония
Эрувчанлиги, В ₆	ЎЗР ДФ 2.9.3.	45 дақиқада 75% дан кам бўлмаслиги керак	81%
Микробиологик тозаллиги	ЎЗР ДФ 2.6.13	1 г препаратда аэроб бактерияларнинг умумий сони 10 ⁴ дан, замбуруғлар 10 ² дан, энтеробактериялар ва бошқа грамманфий бактериялар 10 ² дан ошмаслиги керак. 25 г препаратда Salmonella бўлмаслиги керак.	мос
Микдорий таҳлили	ЮССХ усулида	В ₆ витамин	0,911

9-жадвалда олинган тажриба натижаларга кўра олинган «Ундирилган донлар» мажмуаси асосида олинган капсуланинг сифати ЎЗР ДФ талабларига тўлиқ жавоб берди.

Диссертациянинг «Ундирилган донлар» асосида олинган биологик

фаол кўшимчаларини сақланиш шароитини аниқлаш ва сақлаш муддатини белгилаш деб номланган бешинчи бобида «Ундирилган донлар» гранулалари ва капсулаларининг сақланиш шароитини аниқлаш ва сақлаш муддатини белгилаш мақсадида қоғоз пакетларда қадоқланган гранула ва капсула учун полимер материаллардан тайёрланган флакон (ГОСТ 33781) ва поливинилхлорид плёнкали қадоқлаш идишидан (ГОСТ 25250) фойдаланилди. Сақлаш шароити аниқлаш учун текширилаётган нутрицевтика воситаларини табиий шароитда ўрганилди.

«Ундирилган донлар» мажмуаси асосида олинган гранулалар ва капсулаларнинг сақлаш жараёнида куйидаги сифат кўрсаткичлари аниқланди: ташқи кўриниши, ўртача массаси ва ундан четланиш, парчаланиши, эрувчанлиги ва микробиологик тозаллиги. Ундирилган донлар мажмуаси асосида олинган гранулалар ва капсулаларнинг сифат кўрсаткичлари ЎзР ДФ нинг 1- наشريда келтирилган талабларига тўлиқ жавоб берганлиги учун гранула ва капсулаларнинг яроқлилиқ муддатини табиий шароитда 2 йил деб белгиланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Бошоқли ва дуккакли донларини ундириш жараёнига таъсир этувчи омилларни илмий асосда ўрганиш натижасида уларнинг ундириш технологияси ишлаб чиқилди. Ундирилаётган буғдой, арпа, мош, ловия донларини қайси фасл ва қайси худудда олиб борилаётганидан қатъий назар, таклиф этилаётган технология асосида буғдой, арпани 10-чи куни ва мош, ловияни 6-куни йиғиб олиш белгиланди.

2. Ундирилган бошоқли (буғдой, арпа) ва дуккакли (мош, ловия) донлари таркибидаги фаол моддалар миқдори: 12 та алмашинадиган ва 8 та алмашинмайдиган аминокислоталар, ферментлар, 5 та сувда эрувчи витаминлар, 16 та макро- ва микроэлементлар миқдори замонавий физик – кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида аниқланди ва мавжудлиги белгиланди.

3. Ундирилган дон мажмуасидан гранула ва капсула массасининг технологик хоссасини аниқлаш асосида нутрицевтика воситаларининг илмий асосда таркиби танланди ва технологияси ишлаб чиқилди. Гранула ва капсула шаклидаги ушбу воситаларнинг сифат кўрсаткичлари ЎзР ДФнинг 1- наشري талабларига тўлиқ жавоб бериши исботланди.

4. Гранула ва капсула шаклидаги «Дармонал» БФҚнинг турғунлиги табиий сақлаш шароитида турли қадоқлов материалларида аниқланиб, яроқлилиқ муддатини 2 йил деб белгиланди.

5. Гранула ва капсула шаклидаги «Дармонал» БФҚ учун Техник шартлар (Ts 018979371-006:2021) ва Технологик йўриқнома (Tu 018979371-006:2022) ишлаб чиқилиб, Санитария–эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Қўмитаси томонидан тасдиқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ВАКЦИН И СЫВОРОТОК**

ДУСТМУРОВО ШАХЛО ЖУМАНАЗАРОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ НУТРИЦЕВТИЧЕСКОГО СРЕДСТВА
НА ОСНОВЕ БОБОВЫХ И ЗЕРНОБОБОВЫХ РАСТЕНИЙ**

15.00.01 - технология лекарств

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.2.PhD/Far94.

Диссертация выполнена в Ташкентском научно-исследовательском институте вакцин и сывороток.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Махмуджанова Комила Султоновна
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Максудова Фируза Хуршидовна
доктор фармацевтических наук, доцент

Маматханова Мунирахон Ахматхон қизи
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «26» сентября 2024 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 57). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «06» сентября 2024 года.
(Реестр протокола рассылки № 57 от «06» сентября 2024 года).



К.С.Ризаев

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ё.С.Кариева

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.н.,
профессор

Ф.Ф.Урманова

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), около 1/3 населения планеты страдает от нехватки витаминов и минералов, что, в свою очередь, вызывает различные патологии. Поэтому важно включать пищевые добавки в рацион питания людей, создавать биологически активные добавки (БАД), замещающие недостающие в организме витамины и минералы, и внедрять их в производство на фармацевтических предприятиях.

В настоящее время в мире проводятся научные исследования по разработке высокоэффективной технологии БАД для лечения и профилактики бессилия и слабости иммунной системы человека, установлению стандартов качества и количества, оценке безопасности и эффективности, составлению и утверждению соответствующих нормативных документов. В связи с этим особое внимание уделяется созданию технологий проращивания, позволяющих сохранить максимальное количество биологически активных веществ в сырье местных бобовых и злаковых растений, определению химического состава полученных комплексов и выбору состава и технологии получения различных форм БАД на их основе.

Сегодня в нашей республике достигаются определенные научные результаты по стремительному развитию системы здравоохранения, в частности фармацевтической отрасли, обеспечению населения необходимыми лекарственными средствами и биологически активными добавками, расширению ассортимента продукции, выпускаемой на отечественных фармацевтических предприятиях. Согласно 22-й цели Стратегии развития Нового Узбекистана, на 2022-2026 годы, определены важные задачи по «производству и сертификации экспериментальных образцов 12 видов экстрактов и биологически активных добавок»¹. В связи с этим важно подобрать оптимальный состав биологически активных добавок на основе лекарственных растений, отвечающий требованиям современных стандартов качества, разработать технологический процесс и внедрить его на отечественных фармацевтических предприятиях.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-251 от 20 мая 2022 г. «О мерах по организации культурного выращивания, переработки и широкого использования лекарственных растений в лечении», № ПП-411 от 26 октября 2022 г. «О дополнительных мерах по обеспечению населения качественными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения», а также в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-55 от 21 января 2022 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах» и в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной области.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП-60 “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы”.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное научное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В диссертационном исследовании особое место занимают научные работы узбекских ученых по выделению биоактивных веществ из бобовых и злаковых растений, созданию из них БАД и применению их в медицинской практике таких как К.С.Махмуджановой, А.С.Каримовой, А.А.Махмудова, Ш.Ф.Искандаровой, З.У.Маматкулова.

В мировом масштабе исследования по изучению биологически активных веществ, содержащихся в биологически активных добавках, проведены следующими учеными, дающими рекомендации по их правильному употреблению, выбору научно обоснованной формы потребления: M.W.Adams, S.A.Angioi, Ali Эсмаил Al-Snafi, Manasi Khadanga, Nityananda Sahoo, Sangram Keshari Panda, Haragouri Mishra, Aswini Kumar, Dianzhi Hou, Laraib Yousa, Yong Xue, Jinrong Hu, Jihong Wu, Xiaosong Hu, Naihong Feng and Qun Shen, Т.Л.Пилат, И.Т.Васильченко, Г.Р.Пакровский, С.Н. Башкирова, Р.В. Дудкин, А.И. Зиновьев.

В данной диссертационной работе проращивание зерен бобовых и злаковых культур особым способом, изучение факторов, влияющих на этот процесс, химический анализ состава, разработка различных видов технологии БАД на основе полученного комплекса и контроль качества, изучение фармакологических свойств, безопасности, эффективности, определение сроков хранения и научные исследования по определению условий хранения и применения их в медицинской практике, является первым научным исследованием.

